

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРАЛИЕВА ДИЛДОРА МАМУРЖОНОВНА

ОИЛАГА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ИЖТИМОИЙ
ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

УДК: 316.6,159.922.4

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Psychological Sciences**

Нуралиева Дилдора Мамуржоновна

Оилага психологик хизмат кўрсатишнинг ижтимоий психологик
механизмларини такомиллаштириш 3

Нуралиева Дилдора Мамуржоновна

Совершенствование социально-психологических механизмов оказания
психологической службы семье.. 25

Нуралиева Дилдора Мамуржоновна

Improving the social psychological mechanisms of psychological services to the
family..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Р. 01.07 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРАЛИЕВА ДИЛДОРА МАМУРЖОНОВНА

**ОИЛАГА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ИЖТИМОИЙ
ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.3 PhD/Р. 59 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдурахмонов Фарход Рахимжонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Абдуллаева Шоира Хамидовна,
психология фанлари доктори, доцент

Халилова Наргиза Икромалиевна,
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019. P.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. ЎзМУ, Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (+99871) 246-52-74/факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-04, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, “В” қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.Г.Мухамедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, психология фанлари доктори, профессор

И.И.Рахимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.С.Сафоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида оилага психологик хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилиши сабабли оила институтини мустаҳкамлаш борасида муайян тажриба ва натижалар олинган. “АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларида психологик хизмат тиббиётдаги сингари муҳим ва биринчи даражали хизмат соҳаси ҳисобланади. Шахсий ёки оила психологи, психоаналитиги оила врачлари сингари ноёб касб эгаси саналади”¹. Бугунги кунда оила институтига амалий психологик ёрдам кўрсатилиб, турли инқирозли вазиятларда оиланинг ҳар бир аъзосини қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Психологик хизмат тизими ривож ижтимоий, иқтисодий, маданий ва ҳуқуқий омиллар ҳамда жамият ҳаётида мавжуд реалликлар билан боғлиқ бўлган турли кўринишдаги қийинчиликлар, иқтисодий муаммолар ҳамда жисмоний соғлиқнинг йўқолиши натижасида долзарблашиб бормоқда. Шу боис, оила институтига психологик хизмат кўрсатиш масаласи амалий психологик фаолият билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратилиши муҳим ҳодиса ҳисобланади.

Жаҳонда глобаллашув ва шахснинг индивидуаллашуви жараёни чуқурлашиб бораётган шароитда оилага психологик хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-психологик механизмларини такомиллаштириш борасида илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида мустаҳкам оилавий муносабатларни шакллантириш, жамиятда оила институти инқирозлари, оила кичик гуруҳ сифатида, ёш оилалар ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш йўллари, фамилистика ва гендрологиянинг ижтимоий-маданий муаммолари, оиладаги гендер роллар, оила ва мактабнинг ўзаро ҳамкорлиги психологияси, ижтимоий хавфлар шароитида оила, фарзандликка олган оилаларда ота-она ва фарзанд муносабатларини психологик-педагогик ташкил этиш ва ҳар хил этник тизимларда оилани шакллантиришнинг психологик асослари доирасидаги ишлар бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида оилани муҳим ижтимоий институт сифатида мустаҳкамлашда психологик ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш, мустаҳкам оилани ривожлантиришда маҳалла институтининг имкониятларидан самарали фойдаланиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти ташкил этилган. Давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлиги тизимининг аниқ ишлаши, қабул

¹ Georgy Armaderov. Organization of psychological service in the Russian State Children's Library using computer technologies http://www.gpntb.ru/win/inter-events/crimea94/report/prog_19r.html

қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларини сўзсиз амалга ошириш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал қилиш ушбу мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади². Бу борада миллий менталитетимизни эътиборга олган ҳолда оилага психологик хизмат кўрсатиш услубиётини такомиллаштириш, “Соғлом оила – соғлом жамият” ғоясини ҳаётга татбиқ этиш ишларини илмий-услубий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш фаолиятини амалга оширувчи ихтисослаштирилган давлат илмий-тадқиқот муассасаси ташкил қилинганлиги мазкур йўналишларда илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июндаги 367-сон “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маданий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оилага психологик хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-психологик механизмларини ривожлантириш муаммолари ҳудудий ва миллий-маданий жиҳатларини инобатга олган ҳолда хорижий мамалакатларда алоҳида ўрганиб келинмоқда, мазкур масала Ўзбекистон шароитида аниқ тадқиқотлар доирасида етарлича ўрганилмаган.

Психологик хизмат тизимининг ривожланиши муаммосини жаҳондаги психолог олимлардан Р.О.Блуд, Д.Вульф, Р.А.Левис, Г.В.Спенсер, Г.М. Андреева, Ю.М.Забродин, Д.Карнеги, Б.Д.Парыгин, Э.Берн, К.Рудестам, В.Сатир кабилар томонидан психологик хизмат кўрсатишнинг йўналишлари, ривожланиши, жамият ҳаётидаги аҳамиятли жиҳатларини тадқиқ этганлар.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. Тошкент ш., 2018 йил 27 июнь, <https://lex.uz/docs/3797625>

МДХ психолог олимларидан Л.Я.Гозман, Ю.Е.Алёшина, Т.В.Галкина, Н.Ф.Федотова, Г.М.Андреева, А.В.Петровский, В.В.Розанов, А.Г.Харчев, М.С.Мацковский, Э.Г.Эйдемиллер ва бошқалар ўз ишларида оила мустаҳкамлигини таъминловчи омиллар, айниқса, эр-хотин муносабатларининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиб, тадқиқот натижалари асосида оилавий муносабатларни, жумладан, эр-хотин муносабатларини ўрганишга мўлжалланган кўплаб психодиагностик воситаларни ишлаб чиққанлар.

Оилавий муносабатлар психологиясини, эр-хотин муносабатларини ўрганиш борасида республикамиз психолог олимлари томонидан ҳам бир қатор диққатга сазовор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, М.Г.Давлетшин, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, З.Т.Нишоновна, Н.С.Сафаев, Р.С.Самаров, Н.А.Соғинов, Ш.Р.Баратов, У.Д.Қодиров, Б.М.Умаров, Г.Н.Ниёзматова, З.А.Расулова, З.Э.Абдурахмонова Ф.А.Акрамова, А.Б.Шамсиев, А.Д.Курбанова, Г.С.Юнусова³ каби олимлар томонидан оилага кўрсатиладиган психологик хизмат масаласининг ташкилий ва услубий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтининг JHBL-56-“Ажралиш ёқасига келиб қолган ҳар бир оила муаммолари билан ишлаш механизмини яратиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади ўзбек оилаларининг этно ва ижтимоий-психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда оилага психологик хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-психологик механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оилага тарихан психологик ёрдам кўрсатиш механизми мавжуд эканлигининг назарий ва амалий асосларини таҳлил қилиш;

оилада психологик хизматни ташкил қилишнинг назарий-методологик ҳамда амалий-методик масалаларини тадқиқ этиш;

турли низоли оилаларга психологик хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширувчи механизм ва омилларни тадқиқот сифатида кўриб чиқиш;

3. Shoumarov G.B., Haydarov I.O., Sog'inov N.A. va boshq. Oila psixologiyasi. Akad. Litsey va kasb-hunar kollejlari o'quvchilari uchun qo'l. / G.B.Shoumarovning tahriri ostida. O'zbekiston Respublikasi oliy va o'rta-maxsus ta'lim vazirligi, o'rta-maxsus, kasb-hunar ta'lim markazi. – Toshkent: «Sharq», 2010. – 296 b.; Karimova V.M. Oila: Ijtimoiy himoya omillari. Ilmiy-ommabop maqolalar to'plamlari // Prof. V.M.Karimova tahriri ostida. – Toshkent, 2007. – 118 b.; Акрамова Ф.А. Юқори синф ўқувчилари тасаввурларида севги-муҳаббат ҳислари намоён бўлишининг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари. Психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Toshkent, 1997; Шамсиев Ў. Оила – бола онгининг кўзгуси // Оила: ижтимоий ҳимоя омиллари. Илмий-оммабоп мақолалар тўплами (Профессор В.М.Каримова таҳрири остида). – Toshkent, 2007. – 118 б.; Самаров Р.С. Социальные и этнопсихологические особенности супружеских конфликтов в таджикской семье. Автореф. дисс.канд. психол. наук. – Ташкент, 1997 – 19 с.; Курбанова Д. Келинлар оилага мослашувининг этнопсихологик хусусиятлари. Автореф.дис. ... психология фан. номзоди: 19.00.05. – Toshkent, 2012. – 24 б.; Юнусова Г.С. Тўлиқ ва нотўлиқ оилалардаги она шахсининг фарзанд ижтимоий тасаввурларига таъсири. Автореф.дис. ... психология фан. номзоди: 19.00.05. – Toshkent, 2018. – 24 б.

оилавий инқирозлар натижасида ажралиш босқичида турган оилаларга кўрсатиладиган амалий психологик хизматни ташкил этиш босқичларини белгилаш;

оилаларга кўрсатиладиган психологик хизматни такомиллаштириш учун қўлланиладиган психологик назарий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда унинг самарадорлигини текшириш, олинган натижалар асосида амалий тавсиялар тайёрлаш;

ўзбек оилаларининг этно ва ижтимоий-психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда оилага психологик хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-психологик механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида оилага психологик хизмат кўрсатишни тадқиқ қилишда жами 300 нафар оилалардан 118 нафари эркаклар, 182 нафар аёллардан иборат респондентлар жалб этилди.

Тадқиқот предметини ўзаро зиддиятлар сабабли ажралиш босқичида турган эр-хотинларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари: Диссертация ишида Ю.Е.Алёшина, И.Я.Гозман, Е.М.Дубовскаяларнинг “Жуфтликлар установкаси” ҳамда “Оилада роллар тақсимои” сўровномаси, В.В.Столин, Т.М.Раманов, Г.Г.Бутенколарнинг “Оилавий ҳаётдан қониқиш” сўровномаси, С.Ю.Куприяновнинг “Оилавий муҳитни ўрганиш шкаласи”, Ғ.Б.Шоумаровнинг “Никоҳга маънавий тайёргарлик” методикаси, тадқиқотдан олинган эмпирик маълумотларнинг валидлиги ва ишончилигини аниқлашда математик статистика методларидан (фоизли таҳлил, К.Пирсоннинг корреляция коэффиценти, Стъудентнинг t-мезони факторли таҳлили), маълумотларни қайта ишлашда математик статистика методларини самарали қўллашни таъминловчи стандарт дастурий воситалар (MS Excel, SPSS Statistics -18.0, Statistica 6,0) фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек халқи тарихан шахслараро соғлом муносабатлар, таълим-тарбия, ҳаётни объектив идрок этиш ва ҳодисалардан танқидий ҳулоса қилиш каби ижтимоий-психологик муносабатларга оқилона ёндашиши ҳамда оилалар “оилаларда шахслараро муносабатни тўғри йўлга қўйиш”, “оилада эр ва хотин вазифаларини тўғри тақсимлаш” ҳамда “эр ва хотиннинг ўзаро соғлом муносабати” каби ижобий психологик мезонларга қурилгани оқибатида ўзбек оиласида соғлом ижтимоий-психологик муҳит шаклланиши фалсафий-психологик жиҳатдан асосланган;

“эр-хотин” муносабатига оиладан ташқаридаги ижтимоий-психологик ва оиладаги шахслараро-психологик муносабатларнинг салбий таъсирида кўп йиллик турмуш стажига эга бўлган оилаларда ҳам низоларнинг келиб чиқиши ва ҳатто ажрим ҳолатининг олдини олишда ментал-психологик хусусиятлар сабаб оилага, зарур ҳолларда оиланинг ҳар бир аъзосига индивидуал психологик ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлиб, шу

жиҳатдан ҳам индивидуал психологик ёрдам кўрсатиш муҳим восита эканлиги асосланган;

нотинч ва нотўлиқ оила аъзоларига психологик хизмат кўрсатишда уларнинг оптимал қамровини таъминлаш, психологик хизматлар тўлақонлилиги ва самарадорлигини ошириш, “оила” ва “ментал” хусусиятларни инобатга олиш ҳамда аҳолининг турли қатламларига психологик-маънавий кўмак бериш, масъул орган ходимлари ҳамкорлигини комплекс равишда қамраб олишда “оилабай” тизим асосида ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатишнинг зарурати асосланган;

ижтимоий-психологик жиҳатдан ёшларни оилага тайёрлашдаги муайян камчиликлар ва айрим оилалардаги носоғлом муҳит таъсири туфайли пандемия шароитида юзага келган вазиятда маҳаллаларда ажралиш хавфи мавжуд бўлган оилалар сонининг ортишига сабаб бўлгани аниқлангани ҳолда, ажралишларни олдини олишда оилалар билан ишлайдиган мутахассислар учун “оилага психологик хизмат кўрсатиш модели” назарий ва амалий таҳлиллар асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижасида олинган хулоса ва тавсиялар асосида оилага психологик хизмат кўрсатиш маданияти даражасини ва психолог ходимларнинг касбий салоҳиятини оширишдаги имкониятлари аниқланган;

оилада кузатиладиган турли бахтсиз ҳодисалар ва қийин вазият ҳамда ҳолатлар туфайли психолог хизматиға муҳтож оилаларға амалий психологик ёрдам кўрсатиш тамойилларига асосланган;

оилага психологик хизмат кўрсатишга салбий таъсир этувчи миллий-маданий омиллар аниқланиб, психологик ёрдамнинг ижтимоий-психологик кўмаклашиш йўллари асосланган;

оиланинг турли категориялари реал эҳтиёж ва талабларига мос келадиган психологик хизмат кўрсатишнинг самарали натижаларига эришишга қаратилган таклиф ва тавсиялар тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, аввало, тадқиқотда қўлланилган методикалар ва математик-статистик аниқ методлар жаҳон тажрибасида кўп қўлланилганлиги, олинган эмпирик усуллар назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинганлиги, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги билан, тадқиқотда тақдим этилган маълумотлар аниқ манбаларга таянганлиги, тадқиқот доирасининг кенглиги сифатида турли ижтимоий-психологик ёрдам олишга эҳтиёжи бор оилалар танлангани, барча оралиқ натижалар йирик илмий анжуманлар фаолияти доирасида етакчи олимлар иштирокида муҳокама қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оилага психологик хизмат кўрсатиш механизмлар таркибининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади, бу эса ўрганилаётган ҳодиса тўғрисидаги илмий тасаввурни ойдинлаштириш, шунингдек, оилага психологик хизмат кўрсатиш жараёнида қўлланилаётган

ижтимоий-психологик хусусиятларнинг самарадорлигини текширишга ҳам асосли равишда ёндашиш имкониятини беради, оилага психологик хизмат кўрсатиш моҳияти ва тушунчаси очиб берилган, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган услублар, оилавий ҳаёт, никоҳни ўрганишнинг кейинги босқичларида қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти психологик хизмат кўрсатиш институтлари фаолияти самарадорлигини ошириш, психологик хизмат кўрсатишда тўсиқ бўлувчи омилларни аниқлаш, амалий психологик ёрдам объект ва субъектлари фаоллигини коррекциялаш, оилага психологик ёрдам олиш маданиятини ривожлантириш бўйича психодиагностика услубларини, шунингдек, ишнинг мақсади бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсияларни қўллаш имконияти билан белгиланади. Бундан ташқари диссертация тадқиқотидан олинган натижалар асосида амалиётчи психологлар малакасини ошириш учун маъруза ва амалий машғулотлар тайёрлашда фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оилага психологик хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-психологик механизмларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ўзбек халқи тарихан шахслараро соғлом муносабатлар, таълим-тарбия, ҳаётни объектив идрок этиш ва ҳодисалардан танқидий хулоса қилиш каби ижтимоий-психологик муносабатларга оқилона ёндашиши ҳамда оилалар “оилаларда шахслараро муносабатни тўғри йўлга қўйиш”, “оилада эр ва хотин вазифаларини оқилона тақсимлаш” ҳамда “эр ва хотиннинг ўзаро соғлом муносабати” каби ижобий психологик мезонларга қурилгани оқибатида ўзбек оиласида соғлом ижтимоий-психологик муҳит шакллانганлигига оид хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг “Шахснинг маънавий ва психологик камол топишининг методик таъминотини ишлаб чиқиш” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 26 августдаги П-М-30а-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллаларда ажралиш арафасига келиб қолган оилалар билан ишлашнинг психологик-услубий имконияти кенгайтирилган;

“эр-хотин” муносабатига оиладан ташқаридаги ижтимоий-психологик ва оиладаги шахслараро-психологик муносабатларнинг салбий таъсирида кўп йиллик турмуш стажига эга бўлган оилаларда ҳам низоларнинг келиб чиқиши ва ҳатто ажрим ҳолатининг олдини олишда ментал-психологик хусусиятлар сабаб оилага, зарур ҳолларда оиланинг ҳар бир аъзосига индивидуал психологик ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлиб, шу жиҳатдан ҳам индивидуал психологик ёрдам кўрсатиш муҳим восита эканлигига оид хулосалари Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг “Этнопсихология ва дин психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 26

августдаги П-М-30а-сон маълумотномаси). Натижада турли умр стажига эга бўлган оилалар билан ишлаётган психологларнинг амалий дастури такомиллаштирилди ва мувофиқлаштирилди;

нотинч ва нотўлиқ оила аъзоларига психологик хизмат кўрсатишда уларнинг оптимал қамровини таъминлаш, психологик хизматлар тўлақонлилиги ва самарадорлигини ошириш, “оила” ва “ментал” хусусиятларни инобатга олиш ҳамда аҳолининг турли қатламларига психологик-маънавий кўмак бериш, масъул орган ходимлари ҳамкорлигини комплекс равишда қамраб олишда “оилабай” тизим асосида психологик ёрдам кўрсатиш муҳим восита эканлиги ҳақидаги хулосалардан Тошкент педагогика унверситети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг фаолияти жараёнида фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика унверситети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 26 августдаги П-М-30а-сон маълумотномаси). Натижада нотинч ва нотўлиқ оилаларда психологик хизмат кўрсатиш самарадорлиги оширилган;

ижтимоий-психологик жиҳатдан ёшларни оилага тайёрлашдаги муайян камчиликлар ва айрим оилалардаги носоғлом муҳит таъсири туфайли пандемия шароитида юзага келган вазиятда маҳаллаларда ажралиш хавфи мавжуд бўлган оилалар сонининг ортишига сабаб бўлгани аниқланган ҳолда, ажралишларни олдини олишда оилалар билан ишлайдиган мутахассислар учун “оилага психологик хизмат кўрсатиш модели” Тошкент давлат педагогика унверситети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг “Психологик хизмат кўрсатиш” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика унверситети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 26 августдаги П-М-30а-сон маълумотнома). Натижада назарий ва амалий таҳлиллар самарадорлигини ошириш имконияти кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 24 та республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 та халқаро ОАК журналида, 1 та Scopus маълумотлар базасига киритилган халқаро илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 173 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган, тадқиқотнинг методлари, объектлари ва предметлари аниқланган, диссертациянинг мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси

тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги очиб берилган ҳамда илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва тадқиқот тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ижтимоий фанларда оила институтига амалий ёрдам кўрсатишга доир концепциялар”** деб номланган биринчи бобида этнография, тарих, фалсафа, социология ва педагогика фанларида оилага амалий ёрдам кўрсатиш фаолияти ретроспектив-қиёсий тарзда таҳлил қилинган. Жумладан, эр-хотин муносабатлари, оилавий низолар ва никоҳдан ташқари муносабатларни хориж ва ўзбек олимлари томонидан тадқиқ этилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Оилага психологик хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-психологик механизмларини ишлаб чиқиш қадим-қадимларда Марказий Осиё мутафаккирларининг қарашларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, “Авесто” даврида оила ҳаётини сақлашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб⁴, унда хотинларнинг эрлари билан муносабати тенг эканлиги ҳақида сўз юритилган. Унда оиланинг ажрашувидан олдин эр ва хотин билан катталар суҳбат ўтказиб, эрнинг хотинга бўлган ҳақини ва хотиннинг эрига бўлган ҳақини белгилаб беришган. Мақсад оилада мавжуд фарзандларни етимликдан сақлаб қолиш, ижтимоий ҳимояни таъминлашдан иборат бўлган. Гарчи бу ёндашувларда илмий психологик ёндашув кузатилмасада, эр ва хотиннинг оила ҳақидаги муносабатини баҳолашда маданий-эркинлик (cultural freedom) ва уларнинг хулқ-атвори (behavioral assessment) га эътибор қаратилган. Шундан сўнг оилани сақлаш ёки тарқалиб кетишига нисбатан муносабат билдиришган. Бу эса, буюк мутафаккирларимизнинг ўз фаолиятида ҳозирги замон оилага психологик хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-психологик механизмларидан оқилона фойдаланганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон шароитида оилаларда кечадиган ижтимоий-психологик жараён ўзининг мураккаблиги ва ўзгариб бораётганлиги билан характерланади. Оилада зиддият юзага келишининг бир қанча сабаблари мавжуд бўлиб, уларни ўрганиш ва психологик таҳлил қилиш натижасида бир қатор сабабларни кўрсатиш мумкин. У.Б.Вафакулованинг⁵ тадқиқот ишларида унинг қуйидаги сабаблари, яъни оилавий ҳаётга доир турмуш ўртоқларни ҳар хил қарашларга эга эканлиги, турмуш ўртоқларни бевосита ўзаро муносабатлар даражасида қондирилмаган эҳтиёжлари, турмуш ўртоқларни маънавий манфаатлардаги зиддиятлари, ҳаётда худбинликни мужассам этганлиги, оилага содиқ эмаслиги, турмуш ўртоқларни бир-бирини ҳурмат қилмаслиги, болалар тарбиясида иштирок этмаслиги, рашк, оиладаги маиший

⁴ Белиницкий А.М., Маршак Б.И. Черты мировоззрения согдийцев VII-VIII вв. в искусстве Пенджикента, из книги «История и культура народов Средней Азии». – М.: Наука, 1976.

⁵ Вафакулова У.Б. Медико-социальная характеристика многодетных семей сельской местности Республики Узбекистан // Автореф. дис.канд.мед.наук. – Т., 2001. – С. 19.

кулайликнинг йўқлиги, турмуш ўртоқларни қариндошларга беҳурматлиги, уй ишларига қарашишни хоҳламаслиги, темпераментларнинг мос келмаслиги, турмуш ўртоқларни спиртли ичимликка ружу қўйганлиги, эр-хотин ҳаётига яқин қариндошларнинг аралашуви, оилани яшаш жойининг мавжуд эмаслиги каби кўплаб зиддиятлар оилани маълум бир зиддиятли вазиятга тушиб қолишига ва ажралишга олиб келмоқда. Аҳолининг турли қатламларига психологик-маънавий кўмак берадиган, масъул орган ходимлари ҳамкорлигини комплекс равишда қамраб олувчи, “оилабай” тизими орқали ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш зарурлиги ва оилага ёрдам бериш зарурий эҳтиёжга айланиб бормоқда. Бу соҳада психологиянинг асосий вазифаси-оилаларга ижтимоий-психологик ёрдам бериш ҳисобланади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбекистонда оила ва унинг барқарорлигини таъминлашда психологик хизмат: жорий ҳолат ва истикболи”** деб номланган. Боб доирасида Республикамиздаги психологик хизмат кўрсатиш йўналишида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, жамият ҳаётининг барча соҳаларида психологик хизматга бўлган эътибор ҳамда унинг таҳлилий равишда жорий ҳолати ва истикболи ёритиб берилган.

Ўзбекистонда оила ва унинг барқарорлигини таъминлашда психологик хизмат жараёни, шунингдек, оилавий муносабатлар тизими, эр ва хотин, ота-она ва фарзандлар, ака-ука ва опа-сингиллар ўртасидаги муносабатлар масаласига доир чет эл ҳамда мамлакатимиз психологларининг назарий ёндашувларини тадқиқ этишнинг методик таъминоти таҳлилий материаллар асосида тушунтириб берилган. Бундан ташқари оиладаги шахслараро муносабатлар шахс шаклланишининг муҳим омили ҳисобланиб, оиланинг энг муҳим вазифаларидан бири шахс ривожланиши учун муносиб шароит яратилишининг ўзига хослиги акс эттирилган.

“Оилага психологик хизмат кўрсатишни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари” деб номланган диссертациянинг учинчи бобида оилага психологик хизмат кўрсатиш механизмларининг ўзига хослиги, оиланинг этнопсихологик хусусиятлари, хусусан, психологик хизмат кўрсатишда тўсиқ бўлувчи омилларни аниқлаш, амалий психологик ёрдам объект ва субъектлари фаоллигини коррекциялаш ҳамда ажралишларни олдини олиш мақсадида оилалар билан ишлайдиган мутахассислар учун “Оилага психологик хизмат кўрсатиш модели”, оилага психологик хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-психологик механизмларини аниқлашдан иборат. Оилага психологик хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-психологик механизмларини ривожлантириш муаммоларини ўрганиш учун Ю.Е.Алёшина, И.Я.Гозман, Е.М.Дубовскаяларнинг “Жуфтликлар установаки” ҳамда “Оилада роллар тақсимооти” сўровномаси, В.В.Столин, Т.М.Раманов, Г.Г.Бутенколарнинг “Оилавий ҳаётдан қониқиш” сўровномаси, С.Ю.Куприяновнинг “Оилавий муҳитни ўрганиш шкаласи” ҳамда Ғ.Б.Шоумаровнинг “Никоҳга маънавий тайёргарлик” каби методикаларидан фойдаландик. Булар ўртасида факторли таҳлил ҳамда корреляцион

алоқадорлик жиҳатлари ҳам аниқланди.

1-жадвал

Оилавий муносабатларни ўрганиш методикаларининг корреляцион таҳлили

№	Никоҳга маънавий тайёргарлик	Оилада ролларнинг тақсимланиши	Оилавий ҳаётдан қониқиш	Оилавий муҳитни ўрганиш
Никоҳга маънавий тайёргарлик	1	0,456	0,529	-0,469
Оилада ролларнинг тақсимланиши		1	0,384*	0,745
Оилавий ҳаётдан қониқиш			1	0,638
Оилавий муҳитни ўрганиш				1

Изоҳ: * $p \leq 0,05$ (95 %); ** $p \leq 0,01$ (99%)

Юқоридаги тадқиқотдан олинган натижалар оилавий ҳаётдан қониқиш ва оилада ролларнинг тақсимланиши ўртасидаги алоқани кўрсатиб беради. Унга кўра, оилада ролларнинг тўғри тақсимланиши оилавий ҳаётдан қониқишга таъсир этади ($r = 0,384$, $p \leq 0,05$). Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, агар оилада ҳар бир оила аъзолари ўз ролларини тўғри тақсимласа ҳаётдан қониқиш ҳисси юқори бўлади. Бу нафақат бошқа оила аъзоларига, балки эр-хотин муносабатларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқотимизнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда оилага психологик хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-психологик механизмларини белгилаш давомида В.В.Столин, Т.М.Раманов, Г.Г.Бутенколар томонидан ишлаб чиқилган “Оилавий ҳаётдан қониқиш сўровномасини” биз модификациялаштирган варианты асосида ўрганиб чиқдик. Ижтимоий-психологик сўровнома оилавий ҳаётдан қониқиш даражасини етти та мезон асосида белгилашга қаратилган бўлиб, бунда эр-хотинларнинг:

“оилавий ҳаётдан қониққанлик даражаси жуда паст” (муносабатлар таранг, оилавий бахтиёрлик мавжуд эмас);

“оилавий ҳаётдан қониққанлик паст” (оила қуриш муваффақиятсиз, ўзаро муносабатлардан умид йўқ);

“оилавий ҳаётдан қониққанлик даражаси пасайиб бормокда” (ўзаро тушиниш ва ҳамкорликда ҳаёт тарзини белгилашда қийинчиликлар мавжуд);

“оилавий ҳаётдан қониқиш даражаси ўртача” (гоҳ-гоҳ тушунмаслик, зиддиятлар кузатилади);

“оилавий ҳаётдан қониқиш даражаси ўртачадан юқори” (зиддиятлар вужудга келганда уни конструктив тарзда ечишга ҳаракат қилинади);

“оилавий ҳаётдан қониқиш даражаси юқори” (бир-бирининг камчиликларини тўлдириб бориш, ён босиш кузатилади);

“оилавий ҳаётдан тўла қониққан” (ўзаро ҳамнафаслик ҳисси мавжуд).

2-жадвал

Оилавий ҳаётдан қониқиш сўровномасининг статистик таҳлили (Стьюдент t-мезони асосида)

Оила турлари	Статистик қиймат				
	N	Ўртача қиймат	Стандарт оғиш	t	P
Оила қурганига 5-7 йил бўлганлар	44	29,6	15,09	1,43	0,005**
Оила қурганига 10 йил бўлганлар	45	29,8	15,48		

Изоҳ: * - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$

Агарда сўровноманинг статистик таҳлили бўйича оилавий ҳаётдан қониқиш оила қурганига 5-7 йил бўлганларда ўртача қиймат 29,6 %ни ташкил этиб, стандарт оғиш 15,09 % дан иборат бўлса, оила қурганига 10 йил бўлганларда ўртача қиймат 29,8 % ҳисобланиб, стандарт оғиш 15,48 % ни ташкил этади. Кўриниб турибдики, респондентларнинг гуруҳий кўрсаткичи бўйича қийматларнинг ифодаланиши фарқ қилиб ($t=1,43$), ҳар бир гуруҳ тажрибасига қараб оилавий ҳаётдан завқлана олади. Бу кўрсаткичлар ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларни оила ҳаёти учун ҳар иккала инсон эр ва хотин масъул эканлигини, бунинг учун оилавий юмушларни келишилган ҳолда бажариш лозимлигини кўрсатади.

Оилавий ҳаётдан қониқиш деганда, турмуш ўртоқларни оила институти доирасида бажариладиган вазифа ва мажбуриятлари эрни ҳам, хотинни ҳам қувончлантириш даражасида бажарилаётганлигини англатади. Уни моҳиятини белгилаш учун респондентлар кўрсаткичларини гуруҳий, яъни соғлом оилаларнинг кўрсаткичини ажрашиш арафасидаги оилаларнинг кўрсаткичи билан қиёслашга ҳаракат қилдик.

3-жадвал

Оилавий ҳаётдан қониқиш сўровномасининг қиёсий таҳлили (Стьюдент t-мезони асосида)

Оила турлари	Статистик қиймат				
	N	Ўртача қиймат	Стандарт оғиш	t	P
Соғлом оилалар	89	32,73	6,95	2,69	0,001***
Ажрашиш арафасидаги оилалар	100	18,76	6,78		

Изоҳ: * - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$

Соғлом оилаларда оилавий ҳаётдан қониқиш кўрсаткичи (32,73 %),

ажрашиш арафасидаги оилалардан (18,76 %) анча юқори эканлигини кўрсатади. Юқори кўрсаткич, турмуш ўртоқларнинг бир-бирига бўлган ишончи, оилавий функцияларни бажаришда бир-бирларига ёрдам кўрсатиш, ота ва оналарнинг ёшлар ҳаётига сабабсиз аралашмасликлари ҳамда оилада фарзандларнинг дунёга келиши билан эр ва хотинлик муносабати янада мустаҳкамлашиб борганлигидан далолат беради.

Тадқиқотимиз давомида ўзбек оиласидаги эр-хотин муносабатларида турмуш ўртоғининг хулқ-атворида нисбатан мойиллиги ўрганилди. Психологик методларни қўлланишдан кўзланган мақсад, тадқиқот натижаларининг ишончилигини оширишга йўналтирилган бўлиб, респондентларнинг оилавий муносабатларидаги ички руҳий кечинмаларини аниқлашга қаратилди.

4- жадвал

Оилавий муҳитни ўрганиш шкаласининг корреляцион таҳлили К.Пирсон мезони асосида

(Турмуш қурмаганлар/турмуш қурганига 3-5 йил/10 йил ва ундан юқори бўлганлар)

№	Х	Э	Н	М	М	И	Ф	М	Т	Н
Х	1	0,526/ 0,542/ 0,706**	0,582/ 0,670**/ 0,625*	0,541/ 0,539/ 0,659	0,612**/ 0,584/ 0,514	0,500*/ 0,632/ 0,805**	0,329/ 0,499*/ 0,364	0,169/ 0,103/ 0,155	0,647**/ 0,514/ 0,62**	0,712**/ 0,518/ 0,469
Э		1	0,215/ 0,236/ 0,364	0,364/ 0,375/ 0,396	0,757**/ 0,714**/ 0,624	0,525*/ 0,614/ -0,658**	-0,076/ 0,144/ 0,250	0,810**/ 0,754/ 0,763	0,421/ 0,523*/ -0,480*	0,511/ 0,369/ 0,456
Н			1	0,541/ 0,632/ 0,542*	0,126/ 0,219/ 0,231	0,076/ 0,120/ 0,136	0,618/ 0,523/ 0,403	0,145/ 0,411/ 0,169	0,119/ 0,138/ -0,269	0,584**/ 0,468/ 0,411
М				1	0,463/ 0,319/ 0,461	0,521/ 0,563/ 0,419	0,109/ -0,130/ 0,192	0,521/ 0,651/ 0,364	0,471*/ 0,512/ 0,329	0,621**/ 0,541/ 0,319
М					1	0,102/ 0,162/ 0,139	0,439/ 0,146/ 0,492	0,720**/ 0,541/ 0,463	0,630**/ 0,716/ 0,746	0,486*/ 0,402/ 0,169
И						1	0,729**/ 0,659/ 0,664**	0,419/ 0,169/ 0,439	0,719/ 0,731/ 0,735**	0,429/ 0,439/ 0,433
Ф							1	0,521/ 0,489/ 0,632	0,637/ 0,490*/ 0,439	0,596/ 0,523/ 0,633
М								1	0,487*/ 0,391/ 0,449	0,599/ 0,519/ 0,617**
Т									1	0,621/ 0,469/ 0,575**
Н										1

Изоҳ: * $p \leq 0,05$ (95 %); ** $p \leq 0,01$ (99%).

1. Ҳамжиҳатлик (Х). Оила аъзоларининг қай даражада бир-бирларига ғамхўрлик қилишлари; оила аъзоси сифатидаги фахр туйғусининг акс этиши.

2. Экспрессивлик (Э). Оилада қай даражада очик мулоқот ва ўз туйғуларини ошкора намоён қилишнинг мавжудлиги.

3. Низо (Н). Оилада жаҳлнинг, агрессиянинг ва низоли муносабатларнинг очик намоён қилинганлиги умумий оила учун характерли.

Оилавий муносабатларни ўрганиш методикалари бўйича турмуш қурмаганлар, турмуш қурганига 3-5 йил бўлганлар ва турмуш қурганига 10 йил ва ундан юқори бўлган респондентлар орасида тадқиқот ўтказилганда, бу натижалар ўртасидаги алоқадорлик корреляциясининг психологик таҳлили қуйидагича тус олди:

5-жадвал

Жуфтликлар установкаси сўровномасининг корреляцион таҳлили

К.Пирсон мезони асосида

(Соғлом оилалар/Ажрашиш арафасидаги оилалар)

№	Муносабат	Бурч ва завқ	Болага муносабат	Автономия	Ажралиш	Романтика	Алоқа	Алоқага таъқиқ	Анъанавий ғоя	Пул сарфлаш
Муносабат	1	-0,339/ 0,008	0,592*/ 0,359	0,290/ 0,059	0,104/ -0,117	0,098/ 0,130	0,072/ -0,227	0,556*/ 0,463*	0,459/ 0,185	0,138/ 0,388
Бурч ва завқ		1	-0,170/ 0,076	0,009/ 0,295	0,453/ 0,529	0,176/ 0,149	-0,851**/ 0,659	-0,521*/ 0,456	0,450/ 0,319	0,515/ 0,232
Болага муносабат			1	0,072/ -0,227	0,123/ 0,326	0,009/ 0,295	-0,147/ 0,150	0,566*/ 0,659	0,409/ 0,085	0,564/ 0,502
Автономия				1	0,573*/ 0,269	0,226/ 0,316	-0,158/ 0,212	0,297/ 0,159	0,557*/ 0,503*	0,731**/ 0,662
Ажралиш					1		0,149/ 0,267	0,172/ 0,327	0,878**/ 0,741	0,376/ 0,249
Романтика						1	0,269/ 0,239		0,460/ 0,319	0,622*/ 0,562
Алоқа							1	0,666**/ 0,395	0,449*/ 0,085	0,098/ 0,130
Алоқага таъқиқ								1	0,072/ -0,227	0,176/ 0,149
Анъанавий ғоя									1	0,009/ 0,295
Пул сарфлаш										1

Изоҳ: * $p \leq 0,05$ (95 %); ** $p \leq 0,01$ (99%)

Турмуш қурганига 10 йил ва ундан юқори бўлган респондентлар орасида экспрессивлик ва хотиржамлик шкалалари орасидаги юқори алоқадорлик мавжудлиги юқоридаги тадқиқот натижалари асосида олинган кўрсаткичлар орқали намоён бўлмоқда ($r=706$, $p \leq 0,01$). Бу шундан далолатки, экспрессивлик ошгани сари хотиржамлик ҳам ошиб бораверади.

Турмуш қурганига 3-5 йил бўлганлар оиласида низо ва хотиржамлик шкалалари орасида ўртача алоқадорлик мавжуд бўлиб, хотиржамлик кучайгани

сари низога бўлган хоҳиш ҳам ортиб бораверади ($r=0,670$, $p\leq 0,01$).

Навбатдаги кўрсаткич ҳам турмуш қурганига 10 йил ва ундан юқори бўлган респондентлар орасида намоён бўлди ($r=0,625$, $p\leq 0,01$). Бу натижалар орасида ҳам ўртача алоқа мавжуд бўлиб, хотиржамлик кучайгани сари низога бўлган хоҳиш ҳам ортиб бораверади.

Турмуш қурганига 3-5 йил бўлганлар орасида хотиржамлик ва оилавий ҳаётдаги мустақиллик шкалалари орасида юқори алоқадорлик мавжуд бўлиб, оилавий ҳаётдаги мустақиллик ошгани сари хотиржамлик ҳам ортади ($r=0,726$, $p\leq 0,01$).

Романтик турни севишга муносабат кўлами ва пулга муносабат кўлами, сарф қилиш қулайлиги – тежаш кўлами боғлиқлиги шкалалари солиштирилганда ўртача алоқадорлик мавжудлиги аниқланди ($r=0,622$, $p\leq 0,05$). Бунга кўра, оилада романтикага интилган сари пул сарфлашга муносабат кучаяди. Бу асосан ажрашиш арафасидаги оилаларда аниқланди.

Оила ҳаётидаги жинсий соҳанинг аҳамиятини баҳолаш учун ўлчов ва жинсий алоқани тақиқлашга муносабат кўлами (жинсий алоқани тақиқлаш ғояси) шкалалар солиштирилганда ўртача алоқадорлик мавжудлиги аниқланди ($r=0,666$, $p\leq 0,01$). Бунга кўра, оилада жинсий алоқада бўлишга тақиқ ошгани сари оилавий ҳаётда жинсий алоқанинг аҳамияти ошади. Ажрашиш арафасидаги оилаларда аниқланди.

Оиланинг патриархал ёки эгалитар тизимига муносабат кўлами (анъанавий ғояларга эътибор қаратилган ҳолда) ва асосан қўшма ёки устун томон йўналтириш кўлами: алоҳида фаолият, эр-хотиннинг автономияси ёки эр-хотиннинг бир-бирига боғлиқлиги шкалалари солиштирилганда ўртача алоқадорлик мавжудлиги аниқланди ($r=0,557$, $p\leq 0,05$). Бунга кўра, оилада қанчалик анъанавий ғояларга эътибор қаратилса, эр-хотин муносабатлари ўртасидаги автономия ортади. Ажрашиш арафасидаги оилаларда аниқланди.

